

Яширин солих амал



11:00 / 11.01.2021 4264

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни саҳобаларга дедилар:

«Ким яширин солих амал қилишга қодир бўлса қилсин».

Мусулмонлар кунлар ўтиб Румга қарши жангга чиқишди. Улар юзма-юз келишгач Рум қўшинидан бир киши чиқиб мусулмонлардан бирини яккама-якка жангга чақирди. Шунда мусулмонлардан юзи беркитилган бир киши чиқиб уни ўлдирди. Рум қўшинидан иккинчи бир киши яккама-якка кураш учун мусулмонлардан яна бирини талаб қилди. Яна ҳалиги юзи беркитилган киши чиқиб Румликни ўлдирди. Сўнгра учинчи Румлик чиқиб мусулмонлардан бирини жангга чақирди. Ҳалиги юзи беркитилган киши чиқиб уни ҳам ўлдирди. Мусулмонлар унинг кимлигини билишга қизиқишди. У қўли билан юзидаги ниқоби очилиб кетмаслиги учун уни қаттиқ ушлаб олган эди. Абу Умар деган киши унинг юзидаги ниқобини

тортиб олди. У Абдуллоҳ ибн Муборак экан. Шунда Абдуллоҳ деди:

-Эй Абу Умар! Мени сен шарманда қиласан деб ўйламаган эдим!

Абдуллоҳ ибн Муборак роҳимаҳуллоҳ бу жиҳодини ўзи билан Аллоҳ ўртасидаги яширин амали қилмоқчи эди. Кишилардан ҳеч ким уни билмаслигини истаган эди. Шунинг учун Абу Умар томонидан юзининг очилишини шармандалиқ деб ҳисобляпти. Ундаги ихлос шу қадар эди. У юзлар беркитилмайдиган жойда кишилар кўриб уни мақтамасликлари учун юзини беркитиб олган эди. Ўзининг бу жиҳодини яширин қолишини истаган эди.

«Ким яширин солиҳ амал қилишга қодир бўлса қилсин!».

Яширин солиҳ амал шундай ибодатки, уни қилганингни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким кўрмайди. Уни сирлар фош бўладиган кун учун захира қилиб қўясан.

Яширин солиҳ амал фақирнинг қўлига уни суратга туширмасдан, уни видеотасвирга олмасдан берган садақангдир. Уни ҳатто хотинингдан ҳам яширасан.

Яширин солиҳ амал аҳли байтинг ухлаб ётганида ҳатто уларга ҳам билдирмасдан кеча ярмида туриб ўқиган намозингдир. Унда тўшагингдан шунақанги сирпаниб чиқасанки, биров сени сезмайди.

Яширин солиҳ амал ҳеч ким билмайдиган, кишилар олдида фахр туймайдиган тиловатинг ва қуръондаги вирдингдир.

Яширин солиҳ амал машинангда кетаётиб ёки кундалиқ пиёда юришингни адо қилаётиб қилган, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмаган зикрларинг, тасбиҳларинг, таҳлилларингдир.

Яширин солиҳ амал Аллоҳнинг азобини эслаб тўккан, сўнгра уни кишилар кўриб қолмасин дея дарров артиб олган кўз ёшларингдир.

Яширин солиҳ амалларни кўпроқ қилайлик. Уни Аллоҳ яхши кўради

Абдулқодир Полвонов тайёрлади